

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАЗИКОВА ИРОДА РАЗИКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ДАРЁЛАРИ ГИДРОКИМЁВИЙ РЕЖИМИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

11.00.03 – Куруклик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Разикова Ирода Разиковна

Ўзбекистон дарёлари гидрокимёвий режимининг замонавий ўзгаришлари....3

Разикова Ирода Разиковна

Современные изменения гидрохимического режима рек Узбекистана..... 21

Razikova Iroda

Contemporary changes of the hydrochemical regime of Uzbekistan's rivers.....39

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

РАЗИКОВА ИРОДА РАЗИКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ДАРЁЛАРИ ГИДРОКИМЁВИЙ РЕЖИМИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАРИ**

11.00.03 – Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2026

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.1.PhD/Gr84 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.nigmi.uz) ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Нишонов Бахриддин Эркинович
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович
география фанлари доктори, профессор

Рахимова Матлуба Наимовна
география фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”
Миллий тадқиқот университети

Диссертация химояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.18/2025.27.12.Gr.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил « 30 » апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319, e-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техника кутубхонасида танишиш мумкин (№239 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: +998 71 2358512, факс: +998 71 2371319.

Диссертация автореферати 2026 йил « 17 » апрель куни тарқатилди.
(2026 йил « _____ » _____ даги рақамли реестр баённомаси).



Б.М. Холматжанов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

Э.Ю. Сафаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби в.в.б., т.ф.д.

Д.М. Тургунов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда кишлоқ хўжалиги ва иқтисодийнинг замонавий ривожланиши, шунингдек, иқлим ўзгаришлари сув объектларига антропоген таъсирни кучайтириб, ер усти сувлари сифатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу борада, БМТнинг Сув ресурслари ҳолати ҳақидаги маърузасида “ер усти сувларининг кимёвий таркиби ва ифлосланиши бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги, сув сифатини яхшилаш ҳамда сув объектларининг ифлосланишини камайтиришга қаратилган Барқарор ривожланиш мақсади 6.3 га эришишга тўқинлик қилувчи асосий омиллардан бири”¹, деб таъкидланган. Ушбу ҳолат сув ресурсларининг ҳолатини объектив баҳолаш ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун сув объектларининг кимёвий таркиби ва ифлосланиш даражаси тўғрисида тизимли ҳамда ўзаро таққосланадиган маълумотларни олиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда ер усти сувларининг сифатини ишончли назорат қилиш ва мониторингини таъминлашга, антропоген ва табиий омиллар таъсирида сувларнинг кимёвий таркибидаги ўзгаришларни прогноз қилишга, шунингдек, сув объектлари сифатини бошқариш ва тартибга солиш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, табиий сувлар сифатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув сифатига оид маълумотларни тўплаш ва табиий сувларнинг кимёвий таркиби бўйича маълумотлар алмашинувини такомиллаштириш, сув ресурслари сифати ўзгаришининг қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда атроф-муҳитни, айниқса, ер усти сувларини муҳофаза қилиш ва уларнинг сифатини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва бу борада муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 62-мақсадида “республика сув ресурсларининг узок муддатли сув балансини ишлаб чиқиш ва уни доимий мониторинг қилиш тизимини жорий этиш”² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, сув объектларининг ифлосланишини камайтириш, сув сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ва саноатда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, шунингдек, сув ресурслари мониторингида замонавий технологияларни қўллаш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4896-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги

¹ United Nations. The Sustainable Development Goals Report 2024. Goal 6. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон-2030 стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони <https://lex.uz/docs/6600413>

«Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 343-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер усти сувларининг гидрокимёвий режими, уларнинг ифлосланиши ва ўз-ўзини тозалаш жараёнлари, сув объектларини турли хил ифлосланишлардан саклаш, дарёлар гидрокимёвий режимига салбий антропоген таъсирни баҳолаш ҳамда сув экотизимларига таъсирни камайтиришга қаратилган ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича хорижий олимлар, жумладан, X. Stebler, S. Rogers, C. Palmer, S. Ramamurthy, J. E. Fergusson, A. Alonso, R. Chapman, W. Stumm, J. Morgan ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Собик иттифоқ ва МДҲ мамлакатларида О.А. Алекин, Ю.И. Израэль, А.М. Никаноров, С.В. Бруевич, Ф.Ф. Селиванов, Б.А. Скопинцев, Е.Н. Тарасов, А.И. Перельман, В.М. Шварцев каби олимларнинг илмий ишлари ер усти сувларининг гидрокимёвий ва гидрологик режими, уларнинг турли табиий ҳамда антропоген омиллар таъсирида ўзгариши, ушбу жараёнларнинг салбий оқибатларини олдини олиш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги тадқиқотлар В.А. Шульц, А.М. Никитин, Ф.Е. Рубинова, Ю.И. Широкова, А.Н. Морозов, Ю.Н. Иванов, В.А. Николаенко, Э.И. Чембарисов, Е.М. Видинеева, Н.Г. Верешагина, Ф.Х. Хикматов, Ш.О. Мурадов, А.Т. Салохитдинов, Р.В. Таряникова, Б.Э. Нишонов, Б.Е. Аденбаев ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотларда дарёлар гидрокимёвий режимининг ўзгаришлари, дарёларнинг турли ифлослантирувчи моддалар билан ифлосланишлари, уларнинг сабаблари ва оқибатлари ўрганилган.

Мазкур диссертация иши турли табиий-иқлимий ҳудудларда жойлашган Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларининг гидрокимёвий режимининг замонавий ўзгаришлари қиёсий таҳлил қилинганлиги ҳамда сув сифатини янги интеграл кўрсаткич қўлланган ҳолда баҳоланганлиги билан олдинги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг К7-072 “Халқаро стандартлаштиришнинг замонавий талабларини ўрганиш орқали ер усти сувлари сифатини кимёвий кўрсаткичлар бўйича мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш” (2009-2011 йй.), А7-030 “Ўзбекистон

дарёларининг замонавий гидрокимёвий ҳолати ўзгаришларини ўрганиш ва ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда ер усти сувлари сифатини ахборот-таҳлил тизимини яратиш” (2015-2017 йй.), ПЗ-20170930385 “Ўзбекистон Республикаси ер усти сувлари сифатининг мониторинг тизимини оптималлаштириш” (2018-2020 йй.) ва ИЛ-5721122065 «Сув ва қишлоқ хўжалигида мослашиш салоҳиятини ошириш учун Ўзбекистонда иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига таъсирини баҳолаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2022-2024 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида жойлашган дарёлари гидрокимёвий режимининг ўзгаришларини табиий ва антропоген омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари ҳавзаларининг табиий шароитларини киёсий ўрганиш ҳамда ушбу дарёларнинг гидрокимёвий ва гидрологик жиҳатдан ўрганилганлик даражасини баҳолаш;

дарёлар гидрокимёвий режимининг кўп йиллик, йиллараро ва мавсумий ўзгаришлар хусусиятларини тадқиқ этиш;

дарёлар гидрокимёвий кўрсаткичларининг маълумотлар базасини яратиш ҳамда “Ўзбекистон дарёлари сув сифатининг ахборот-таҳлил тизими” дастурини ишлаб чиқиш;

дарёларнинг кўп йиллик давр учун ифлосланиш даражасини баҳолаш;

ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларининг гидрокимёвий ҳолатини акс эттирувчи тематик хариталарни яратиш;

замонавий меъёрий талаблар, табиий-антропоген шароитлар ва сув объектларининг экологик ҳолатини инобатга олган ҳолда, ер усти сувлари сифати мониторинги тизимини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг шарқий ва жанубий ҳудудидаги Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари гидрокимёвий режимининг табиий-антропоген омиллар таъсиридаги замонавий ўзгаришларини аниқлаш ва тадқиқ этилаётган дарёлар сув сифатини интеграл кўрсаткичлар ёрдамида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида сув ресурсларининг физик-кимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилиш, сув объектларининг ифлосланиш даражасини тавсифловчи интеграл кўрсаткичларни ҳисоблаш, тавсифий ва математик статистика (корреляцион ва регрессион таҳлиллар), ҳудудий ва вақт бўйича таҳлил ва картография усулларида, жумладан, натижаларни ГАТ муҳитида визуаллаштиришдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари гидрокимёвий режимининг замонавий ўзгаришлари асосий гидрокимёвий кўрсаткичлар

(минерализация, бош ионлар, биоген ва органик моддалар) бўйича аниқланган;

турли сувлиги йилларда танлаб олинган дарёлар гидрокимёвий режимининг гидрологик режимга боғлиқлиги баҳоланган;

дарёлар сувидаги бош ионлар таркиби ва минерализация миқдори орасидаги боғлиқликлар аниқланган, регрессия тенгламалари тузилган;

Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сувининг сифати илк бор янги интеграл кўрсаткич бўйича баҳоланган;

замонавий талаблар, мавжуд шароитлар ва сув объектларининг ҳолатини инобатга олган ҳолда ер усти сувлари сифати мониторинги тизимини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларининг турли ифлослантирувчи моддалар (оғир металлар, органик моддалар ва бошқалар) билан ифлосланишининг кўп йиллик ўзгаришлари аниқланган;

ифлослантирувчи моддалар концентрациясининг дарёлар узунлиги бўйича ўзгаришлари аниқланган;

дарёларнинг кўп йиллик гидрокимёвий режими электрон маълумотлар базаси яратилган;

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларининг гидрокимёвий ҳолатини акс эттирувчи тематик хариталар ГАТ технологияларидан фойдаланиб ишлаб чиқилган;

“Ўзбекистон дарёлари сув сифатининг ахборот-таҳлил тизими” дастури яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тизимида ягона усулларда амалга оширилган сув сифати мониторинги маълумотларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлашда умумқабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, уларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мослиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ишда олинган натижалар ва илмий хулосалар, хусусан, дарёлар гидрокимёвий режимининг ўзгаришларини баҳолаш, интеграл индексларни ҳисоблаш ҳамда сув сифатини баҳолашга оид ёндашувлар бошқа ҳудудлардаги дарёлар гидрокимёвий режими ва сув сифатининг ўзгаришларини баҳолашда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сув ресурсларини оқилона бошқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда қўлланилиши, шунингдек, тадқиқот натижалари ва материаллардан табиий сувлар сифатини мониторинг ва назорат қилиш билан шуғулланувчи турли идоралар фаолиятида ҳамда республика олий таълим тизимида гидрология,

гидрокимё ва атроф-муҳит мониторинги йўналишлари бўйича ўқув дастурларида фойдаланилиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари гидрокимёвий режими ва сув сифати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари гидрокимёвий режимини асосий ташкил этувчиларининг хусусиятлари бўйича аниқланган маълумотлар Гидрометеорология хизмати агентлигида мазкур дарёлар гидрокимёвий режимини ўзгаришларини ва улар узунлиги бўйлаб ифлосланиш даражаларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 декабрдаги 01-15/2043-сон маълумотномаси). Натижада, дарёлар гидрокимёвий ҳолати ҳақидаги ҳисоботларга аниқлик киритиш имконияти яратилган;

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари гидрокимёвий режимининг гидрологик режимга боғлиқлигини баҳолаш натижалари Гидрометеорология хизмати агентлигида дарёлар суви минерализациясининг кутилаётган ўзгаришларини йилнинг сувлигига боғлиқ равишда аниқлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 декабрдаги 01-15/2043-сон маълумотномаси). Натижада, дарёларда кузатилаётган гидрологик режимнинг ўзгаришлари асосида гидрокимёвий режим ўзгаришларини баҳолаш имконияти яратилган;

бош ионлар миқдорлари ва минерализация орасида аниқланган боғланишлар Гидрометеорология хизмати агентлигида дарёлар суви типларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 декабрдаги 01-15/2043-сон маълумотномаси). Натижада, дарёлар суви минерализацияси асосида уларнинг ион таркибини прогнозлаш имконияти яратилган;

Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сувларининг сифатини янги интеграл кўрсаткич бўйича баҳолаш натижалари Гидрометеорология хизмати агентлигида дарёлар сув сифати ҳақида ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 декабрдаги 01-15/2043-сон маълумотномаси). Натижада, республика дарёлари сув сифати ҳақидаги ҳисоботларни халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида тайёрлаш имконияти яратилган;

ер усти сувлари сифати мониторинги тизимини оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ва “Ўзбекистон дарёлари сув сифатининг ахборот-таҳлил тизими” дастури Гидрометеорология хизмати агентлигида

атроф-муҳит мониторинги тармоғини оптималлаштириш бўйича таклифларни тайёрлашда ҳамда ер усти сувлари сифати мониторинги маълумотларини йиғиш, умумлаштириш ва қайта ишлашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлигининг 2025 йил 16 декабрдаги 01-15/2043-сон маълумотномаси). Натижада, ер усти сувлари сифати мониторинги тармоғини такомиллаштириш ҳамда мониторинг маълумотларини қайта ишлаш жараёнини ва ер усти сувлари сифати бўйича ҳисоботлар ва йилномаларни тайёрлашни яхшилаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 11 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган. Электрон ҳисоблаш машиналари учун 2 та дастурга муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари хавзасининг табиий-географик шароити ва гидрологик, гидрокимёвий ўрганилганлиги”** деб номланади. Диссертациянинг ушбу бобида Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати, шунингдек, кўриб чиқилган дарёлар хавзаларининг географик жойлашуви, геологик тузилиши, рельефи, иқлим шароитлари ҳамда тупроқ-ўсимлик қоплами ёритиб берилган. Ушбу омиллар дарёларнинг гидрокимёвий режими шаклланишига таъсири нуктаи назаридан таҳлил қилинган.

Тўйиниш турлари билан фарқланувчи Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари республика худудининг шарқий ва жанубий қисмида

жойлашган. Ушбу дарёларнинг сув ресурслари, ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг асосий сув таъминоти манбалари бўлиб, улардан саноатнинг турли тармоқларида, кишлоқ хўжалигида ҳамда хўжалик-маиший сув таъминотида кенг фойдаланилади.


Норин дарёси ҳавзаси Тянь-Шан тоғларининг баланд тоғли ҳудудларида шаклланиб, ҳудуди тоғли ва тоғ олди рельефи, оч кулранг ҳамда тошли-шағалли тупроқлар, сийрак эфемер-ярим чўл ўсимликлари билан тавсифланади. Қорадарё дарёси ҳавзаси Фарғона водийси ва уни ўраб турган тоғ тизмалари орасида жойлашган бўлиб, текислик ва тоғ олди рельефи, оч кулранг ва ўтлоқ тупроқлар, ривожланган адир зонаси, тўқай ўсимликлари тарқалган ҳудудлар билан тавсифланади. Қашқадарё дарёси ҳавзаси Ҳисор ва Зарафшон тизмаларининг жануби-ғарбий тоғ олди ва текислик ҳудудларини қамраб олади. Бу ерда ландшафтлар асосан оч кулранг тупроқлар, қумли массивлар ва тўқай ўсимликлари билан ифодаланган. Сурхондарё дарёси ҳавзаси Ўзбекистоннинг энг арид ҳудудида жойлашган бўлиб, тупроқ қоплами эса оч бўз тупроқ, аллювиал, айрим жойларда шўрхоқ тупроқлар ҳамда чўл-ярим чўл ўсимликлари билан тавсифланади.

Норин дарёси муз-қор сувларидан тўйинувчи дарё ҳисобланади ва табиий шароитда ёз ойларида максимал, қиш ойларида минимал сув сарфлари кузатилади. Юқори сув сарфлари апрель-август ойларида, кам сув сарфлари октябрь-февраль ойларида кузатилган. Ҳозирги вақтда Тўқтағул сув омбори таъсири остида Норин дарёси сув оқими режими тубдан ўзгариб, ёзда минимал, қишда эса максимал сув сарфларига эга «антидарё»га айланган. Қорадарё дарёси қор-муз сувларидан тўйинувчи дарё бўлиб, энг юқори сув сарфи апрель-июнь ойларида, энг кам сув сарфи август-сентябрь ойларида кузатилади. Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари қор-ёмғир сувларидан тўйинувчи дарёлар ҳисобланади. Қашқадарё дарёсида энг юқори сув сарфи март-июнь ойларида, энг кам сув сарфи декабрь-январь ойларида кузатилади. Сурхондарё дарёсида эса энг юқори сув сарфи апрель-июнь ойларида ва энг кам сув сарфи сентябрь-октябрь ойларида кузатилади.

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларининг гидрокимёвий режими бўйича тадқиқотлар XX аср бошларида бошланган бўлиб, дастлабки даврда мутазам равишда олиб борилмаган. Норин дарёсида мунтазам гидрокимёвий кузатувлар 1977 йилда Учқўрғон шаҳри юқори қисмидаги кузатув пунктида бошланган, 1984 ва 1985 йилларда Учқўрғон шаҳри қуйи қисмидаги ва дарё қуйилишидаги кузатув пунктлари очилган. Дарёнинг Учқўрғон шаҳридан юқори ва қуйи қисмларида жойлашган, гидрологик кузатувлар билан уйғунлаштирилган кузатув пунктлари 1993 йилда ёпилган. Ҳозирги кунда гидрокимёвий кузатувлар фақат дарё қуйилишидаги пунктда амалга оширилмоқда, бироқ бу ерда гидрологик ўлчовлар олиб борилмайди. Қорадарё дарёсида гидрокимёвий кузатувлар 1976 йилдан бошлаб Учтепа қишлоғи ва Қорабоғиш қишлоғи пунктларида олиб борилган, 1985 йилда Андижон шаҳридаги пункти очилган. Қорабоғиш кузатув пункти 1995 йилда ёпилган бўлиб, ҳозирги вақтда гидрокимёвий кузатувлар учта пунктда (Учтепа қишлоғи, Андижон шаҳридан юқори ва

қуйи қисмларда) амалга оширилмоқда. Учтепа пункти гидрологик пост билан бирлаштирилган. Қашқадарё дарёсида гидрокимёвий кузатувлар 1976 йилда Қоратикон қишлоғидаги кузатув пунктида бошланган, аммо бу пункт 1988 йилда ёпилган. Дарёда 1977 йилдан буён Варганза, Чирокчи ва Чимқўрғон пунктлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу пунктларнинг барчаси гидрологик постлар билан бирлаштирилган. Сурхондарё дарёсида гидрокимёвий кузатувлар 1976 йилдан бошлаб Шўрчи шаҳри ва Термиз шаҳри (Мангузар қишлоғи) пунктларида олиб борилган. 1977 ва 1985 йилларда очилган Денов ҳамда Жанубий Сурхон сув омборининг қуйи бьефидаги пунктлар 1992 йилда ёпилган. Ҳозирги вақтда кузатувлар иккита пунктда (Шўрчи шаҳри ва Термиз шаҳрида (Мангузар қишлоғи)) давом эттирилмоқда. Шўрчи пункти гидрологик пост билан бирлаштирилган.

Муаллиф томонидан Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларидаги сув сифатини кузатиш пунктларининг координаталари дала шароитида GPS ёрдамида аниқланди ва кузатув пунктларининг жойлашиш харитаси тузилди (1-расм).




1-расм. Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари суви сифатини кузатиш пунктларининг жойлашиши карта-схемаси

Диссертациянинг “Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари гидрокимёвий режимининг кўп йиллик ўзгаришлари” деб номланган **иккинчи** бобда ер усти сувлари ифлосланиши мониторинги бўйича кўп йиллик маълумотлар асосида Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари гидрокимёвий режими кўрсаткичлари дарёлар узунлиги ва вақт бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилган: минерализация, бош ионлар (гидрокарбонат, сульфат, хлорид, натрий, магний, кальций ва калий); сувда эриган кислород, биоген моддалар (азот бирикмалари, фосфор, кремний, темир); органик моддалар (кислороднинг кимёвий истеъмоли (ККИ), кислороднинг биокимёвий истеъмоли (КБИ₅), нефть маҳсулотлари, фенол, синтетик сирт фаол моддалар (ССФМ)), оғир металлар (мис, рух, марганец, никел, умумий хром, хром (VI), хром (III), кўрғошин, кадмий, симоб).

Тадқиқот ишида асосий гидрокимёвий кўрсаткичларнинг кўпйиллик, йил ичидаги ва мавсумий ўзгаришлари таҳлил қилинган. Ўрганилган

дарёларнинг гидрокимёвий режими бир қатор табиий ва антропоген омиллар таъсирида шаклланади. Ушбу омилларнинг хилма-хиллиги минерализация миқдорининг кенг ораликда ўзгаришини белгилайди. Сувнинг ўртача йиллик минерализация миқдори Норин дарёсида 233,8-637,3 мг/дм³, Қорадарёда 322,4-943,6 мг/дм³, Қашқадарёда 208,8-1088 мг/дм³, Сурхондарёда 354,9-1352,7 мг/дм³ оралиғида ўзгариши аниқланган (2-расм).



2-расм. Дарё сувларида ўртача йиллик минерализациянинг базавий (1976–1990 йй.) ва замонавий (1991–2022 йй.) даврдаги ўзгаришлари:

а) Норин, б) Қорадарё, в) Қашқадарё, г) Сурхондарё

Таҳлил натижаларига кўра, барча тўртта дарёларда минерализация миқдори замонавий даврда (1991–2022 йй.) базавий даврга (1976–1990 йй.) нисбатан сезиларли даражада ошганлиги аниқланган.

Норин ва Қорадарё дарёларида сувнинг ўртача йиллик минерализация миқдори 2018–2022 йилларда кескин ошганлиги кузатилган. Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларида минерализация миқдори дарёларнинг куйи қисмидаги пунктларда кескин ошганлиги аниқланган.

О.А. Алекин таснифига кўра, тадқиқ этилаётган дарёлар суви жуда кам ва кам минерализацияли сувлар тоифасига киради, бунда Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари суви айрим йилларда ўртача минерализацияли сувлар тоифасида бўлганлиги аниқланган. Норин дарёси сувининг кимёвий таркиби гидрокарбонатли-кальцийли тип билан тавсифланади. Қорадарё ва Қашқадарё дарёларида сув таркиби гидрокарбонатли-кальцийли типдан гидрокарбонатли-сульфатли-кальцийли типга ўтади. Сурхондарё дарёси суви эса сульфатли-кальцийли типга мансуб.

Диссертация ишида Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларида замонавий давр (1991–2022 йй.) учун минерализациянинг ўзгарувчанлиги ўрганилган. Бунда минерализациянинг минимал, максимал ва ўртача миқдорлари, тебраниш амплитудаси, $C_{\text{макс}}/C_{\text{мин}}$ нисбати ҳамда

вариация коэффициенти (C_v) ҳисоблаб чиқилган. Минерализациянинг худудий ўзгаришлари дарёларнинг юқори ва қуйи оқимларида олинган қийматларни таққослаш орқали баҳоланган. Статистик таҳлил натижаларига кўра, дарёларнинг юқори қисмларида минерализация миқдори пастроқ бўлиб, йиллараро ўзгарувчанлик эса нисбатан кучлироқ ифодаланган (1-жадвал).

1-жадвал

Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларида минерализация миқдорларининг ўзгарувчанлиги (1991-2022 гг.)

Кузатув пункти	Минерализация, мг/дм ³			C_{\max}/C_{\min}	C_v
	C_{\min}	C_{\max}	$C_{\text{ўрт}}$		
Қорадарё дарёси					
Андижон ш., (БТИдан юқори)	381,9	926,3	515,9	2,4	0,19
Учтепа қишл.	467,5	836,1	623,5	1,8	0,15
Қашқадарё дарёси					
Варганза қишл.	208,8	326,5	264,8	1,6	0,12
Чимкўрғон шаҳарчаси	760,8	1088	905,9	1,4	0,10
Сурхондарё дарёси					
Шўрчи ш.	457,5	789,8	599,5	1,7	0,15
Термиз ш. (Мангузар қишл.)	859,5	1323,2	1128,6	1,5	0,11

*Изоҳ: $C_v < 0,10$ - кам ўзгарувчанлик; $C_v = 0,10-0,20$ - ўртача ўзгарувчанлик; $C_v = 0,20-0,33$ - кўп ўзгарувчанлик; $C_v > 0,33$ - юқори ўзгарувчанлик.


Таҳлил натижаларига кўра, минерализация миқдорларининг энг юқори ўзгарувчанлиги Қорадарё дарёсидаги Андижон шаҳри (БТИдан юқори) пунктида қайд этилган бўлиб, бу ерда C_{\max}/C_{\min} нисбати 2,4 ни, вариация коэффициенти эса 0,19 ни ташкил этади. Қолган кузатув пунктларида вариация коэффициентлари 0,10-0,15 оралиғида бўлиб, бу минерализация миқдорларининг нисбатан ўртача ўзгарувчанлигини кўрсатади. Учкўрғон шаҳри кузатув пункти ёпилганлиги ҳамда кўп йиллик маълумотлар мавжуд эмаслиги сабабли, Норин дарёси сувининг кўп йиллик минерализация миқдорларининг ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш имкони бўлмади.

Тадқиқотларга кўра, дарёлар сувининг минерализацияси сув сарфига ҳам боғлиқ бўлиб, минерализациянинг умумий ўзгариши сув сарфи ўзгаришига тескари боғланишда бўлади.

Дарёларнинг сув сарфи мунтазам ўлчанадиган гидрологик постларида (Учкўрғон ш., Учтепа қишл., Чимкўрғон шах. ва Шўрчи ш.) дарёларнинг йил ичидаги гидрологик ва гидрокимёвий режимларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Сувлиги турлича бўлган йиллар учун $\Sigma U = f(Q)$ эмпирик боғланишлар аниқланган. Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари суви минерализациясининг йил ичидаги ўзгаришлари ҳам йилнинг сувлиги билан яқин боғлиқ эканлиги аниқланган (3-расм).

Дарёлар сувидаги бош ионлар таркиби сувнинг кимёвий типини белгилайди. Бош ионлар (Na^+ , K^+ , Ca^{2+} , Mg^{2+} , Cl^- , SO_4^{2-} , HCO_3^-) дарё сувларининг минерал таркибининг асосий қисмини ташкил этади. Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сувларининг минерализацияси ва ундаги асосий ионлар миқдорлари орасидаги боғлиқликни ўрганиш учун регрессия тенгламалари тузилган ва уларнинг аниқлиги баҳоланган.

2-жадвалда дарёларнинг куйи қисмидаги кузатув пунктлари бўйича регрессия тенгламалари мисоллари келтирилган.



3-расм. Дарёларда минерализация (ΣU , мг/дм³) ва сув сарфининг (Q , м³/с) йил ичида ўзгаришлари:

- а) Норин, Учқурғон ш. (кам сувли-1978 г., ўртача сувли-1992 г., кўп сувли-1989 г.);
- б) Қорадарё, Учтепа қ. (кам сувли -1986 г., ўртача сувли-1992 г., кўп сувли -2010 г.);
- в) Қашқадарё, Чимқўрғон шах. (кам сувли-2001 г., ўртача сувли-1988 г., кўп сувли-1993 г.);
- г) Сурхондарё, Шўрчи ш. (кам сувли-2001 г., ўртача сувли-2004 г., кўп сувли-1992 г.);

2-жадвал

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари куйи пунктларида минерализациянинг ионлар концентрацияси билан боғлиқлиги тенгламалари

Регрессия тенгламаси	$r \pm \sigma_r$	Регрессия тенгламаси	$r \pm \sigma_r$
Норин, дарёнинг куйи қисми (1996-2022 гг.)		Қорадарё, Учтепа қишл. (1991-2022 гг.)	
$\text{HCO}_3^- = 0,0085\Sigma U + 162,09$	$0,06 \pm 0,13$	$\text{HCO}_3^- = 0,205\Sigma U + 82,921$	$0,52 \pm 0,10$
$\text{SO}_4^{2-} = 0,2965\Sigma U - 7,3597$	$0,58 \pm 0,09$	$\text{SO}_4^{2-} = 0,5162\Sigma U - 110,85$	$0,76 \pm 0,05$
$\text{Cl}^- = 0,0023\Sigma U + 25,465$	$0,03 \pm 0,13$	$\text{Cl}^- = 0,001\Sigma U + 30,407$	$0,01 \pm 0,13$
$\text{Ca}^{2+} = 0,0172\Sigma U + 40,179$	$0,20 \pm 0,13$	$\text{Ca}^{2+} = 0,0671\Sigma U + 23,826$	$0,49 \pm 0,10$
$\text{Mg}^{2+} = 0,046\Sigma U + 4,8928$	$0,43 \pm 0,11$	$\text{Mg}^{2+} = 0,0807\Sigma U - 8,2773$	$0,54 \pm 0,09$
$\text{Na}^+ = 0,0367\Sigma U + 21,8$	$0,33 \pm 0,12$	$\text{Na}^+ = 0,0701\Sigma U + 5,1232$	$0,33 \pm 0,12$
$\text{K}^+ = 0,0012\Sigma U + 1,2332$	$0,20 \pm 0,13$	$\text{K}^+ = 0,002\Sigma U + 0,6278$	$0,18 \pm 0,13$
Қашқадарё, Чимқўрғон шах. (1991-2022 гг.)		Сурхондарё, Термиз ш. (Мангузар қишл.) (1991-2022 гг.)	
$\text{HCO}_3^- = 0,1124\Sigma U + 103,94$	$0,25 \pm 0,13$	$\text{HCO}_3^- = 0,064\Sigma U + 111,65$	$0,42 \pm 0,11$
$\text{SO}_4^{2-} = 0,5204\Sigma U - 62,528$	$0,81 \pm 0,05$	$\text{SO}_4^{2-} = 0,5398\Sigma U - 90,976$	$0,96 \pm 0,01$
$\text{Cl}^- = 0,0765\Sigma U - 25,36$	$0,68 \pm 0,08$	$\text{Cl}^- = 0,0795\Sigma U + 8,3857$	$0,73 \pm 0,06$
$\text{Ca}^{2+} = 0,0504\Sigma U + 48,949$	$0,43 \pm 0,12$	$\text{Ca}^{2+} = 0,0796\Sigma U + 49,196$	$0,65 \pm 0,08$
$\text{Mg}^{2+} = 0,0442\Sigma U + 19,278$	$0,51 \pm 0,11$	$\text{Mg}^{2+} = 0,0551\Sigma U - 4,7207$	$0,70 \pm 0,07$
$\text{Na}^+ = 0,1764\Sigma U - 73,596$	$0,81 \pm 0,05$	$\text{Na}^+ = 0,153\Sigma U - 57,617$	$0,66 \pm 0,07$
$\text{K}^+ = 0,0018\Sigma U + 1,4191$	$0,20 \pm 0,15$	$\text{K}^+ = 0,0064\Sigma U - 4,0787$	$0,57 \pm 0,10$

Натижалар Норин дарёси куйи кисмидаги ва Қорадарё дарёси Учтепа кишлоғи пунктларида минерализациянинг SO_4^{2-} ва Mg^{2+} ионлари билан, Қашқадарё дарёси Чимкўрғон шах. пунктида SO_4^{2-} , Cl^- ва Na^+ ионлари билан, Сурхондарё дарёси Термиз шаҳри (Мангузар кишлоғи) пунктида SO_4^{2-} , Cl^- , Mg^{2+} , Na^+ ва Ca^{2+} ионлари билан боғлиқлиги юқори эканлигини кўрсатди.

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сувида эриган кислород концентрациясининг ўзгариши таҳлилига кўра, сувда эриган кислороднинг ўртача кўп йиллик миқдори дарёлар сув муҳити флораси ва фаунаси учун мақбул ораликларда ўзгарганлиги аниқланган. Норин ва Қорадарё дарёларида эриган кислород миқдорининг қийматлари ($13,14 \text{ мгO}_2/\text{дм}^3$ ва $15,10 \text{ мгO}_2/\text{дм}^3$) мазкур дарёларнинг ўз-ўзини тозалаш хусусияти юқори эканлигини кўрсатади.

Қорадарё дарёси сувида биоген моддалардан нитрат азоти ($7,58 \text{ мг}/\text{дм}^3$), фосфор ($0,045 \text{ мг}/\text{дм}^3$) ва фосфатлар ($0,027 \text{ мг}/\text{дм}^3$) миқдорининг юқори қийматлари кузатилган. КБИ₅ ва ККИ кўрсаткичлари дарё сувидаги органик моддалар миқдорининг даражасини ифодалайди. Қорадарё ва Сурхондарё дарёлари сувида КБИ₅ ($2,96 \text{ мгO}_2/\text{дм}^3$) ва ККИ ($14,64 \text{ мгO}/\text{дм}^3$) қийматларининг нисбатан юқори эканлиги аниқланган. Қашқадарё дарёси сувида эса КБИ₅ ($0,48 \text{ мгO}_2/\text{дм}^3$) ва ККИ ($3,60 \text{ мгO}/\text{дм}^3$) кўрсаткичларининг нисбатан паст қийматлари кузатилган.

Норин ва Қорадарё дарёлари сувида оғир металллар миқдорининг кўп йиллик ўзгаришларини ўрганиш жараёнида марганец, никель, кўрғошин, кадмий ва симоб каби металлларнинг мавжудлиги аниқланмаган. Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сувида эса кўрғошин, кадмий ва симоб металлларнинг паст концентрацияларда учраши кузатилган. Шу билан бирга, барча ўрганилган дарёлар сувида мис, рух ва хром каби оғир металлларнинг нисбатан юқори концентрациялари қайд этилган.

Диссертациянинг «**Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сув сифатини гидрокимёвий кўрсаткичлар асосида баҳолаш**» деб номланган **учинчи бобида**, дарёлар сув сифатини баҳолашнинг турли усуллари таҳлил қилинган, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сув сифатини белгиловчи гидрокимёвий кўрсаткичлар бўйича гидрокимёвий маълумотлар базаси тавсифланган. Дарёларнинг сув сифати сувнинг ифлосланиш индекси (СИИ) ҳамда 6.3.2-индикатор асосида баҳоланган.

Гидрокимёвий маълумотлар электрон базаси MS Access дастурида яратилган ва унга 1976–2022 йиллар давомида Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларидаги 16 та кузатув пункти бўйича 30 дан ортиқ гидрокимёвий кўрсаткичлар маълумотлари киритилган. Маълумотлар базаси маълумотлари асосида сув сифати тегишли тоифалар бўйича карталаштирилган.

Диссертация ишида «Ўзбекистон дарёлари сув сифатининг ахборот-таҳлилий тизими» дастури тавсифланган ҳолда замонавий талаблар, мавжуд шароитлар ва сув объектларининг ҳозирги ҳолатини инобатга олган ҳолда

Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёлари сув сифати мониторинги тизимини оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маълумотлар базаси асосида 1991-2022 йиллар даврида Норин, Қорадарё, Қашқадарё ва Сурхондарё дарёларининг кузатув пунктлари бўйича сув сифатини комплекс баҳолаши амалга оширилган. Ҳозирги кунда фаолият юритаётган кузатув пунктларида сувнинг ифлосланиш индекси (СИИ) қийматлари ҳисоблаб чиқилган. СИИ қийматларига кўра, ўрганилган дарёлар сув сифати тоза ва ўртача ифлосланган II ва III синфларга тегишли эканлиги аниқланган. Дарёлар бўйича СИИ қийматлари Норин дарёсида 0,50-2,97, Қорадарё дарёсида 0,47-2,35, Қашқадарё дарёсида 0,47-2,28, Сурхондарё дарёсида 0,59-2,03 ораликларда ўзгарган.

